

бузиш натижаларини “Таъминотчи” вакиллари талабига кўра бартараф этмаса;

в) “Таъминотчи” вакили ёки Бюро ходимининг “Истеъмолчи” худудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги бўлган сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва курилмаларида ишлар олиб бориш, тамга ўрнатиш ва бошқа ишларда “Истеъмолчи” томонидан асоссиз халақат берилган тақдирда;

г) “Таъминотчи” томонидан режали олдини олиш таъмирлаш ишларини, сув ўтказиш ва оқова тармоқларида ишлар бажарилиши, “Истеъмолчи” уларга уланган бўлса ва янги “Истеъмолчи”ларни улаш учун ишларни ўтказишда;

д) “Истеъмолчи”нинг хизмат кўрсатилишида ва унинг тасарруфидаги коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига ўзбошимча суб-истеъмолчиларнинг уланиб олганлиги аниқланганда;

е) “Истеъмолчи” ўрнатилган муддатларда тўлов хужжатларига мувофиқ тўловни амалга оширмаганда;

ё) “Таъминотчи”нинг розилигини олган суб-таъминотчиларнинг “Истеъмолчи” тасарруфида бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига уланишига рад жавобини берганда;

ж) “Истеъмолчи” томонидан коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларини кўрсатиш шартларига риоя қилинмаганда;

з) энергия таъминоти тўхтатилганда;

и) табиий офатларда;

й) аварияларда;

к) ёнгин чиккан ерларга сув етказиш ҳажмини ошириш зарурияти туғилганда.

#### **3.4. “Таъминотчи”нинг мажбуриятлари:**

а) сув таъминоти ва сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;

б) сув етказилишини узлуксиз таъминлаш;<sup>4</sup>

в) тизимли равишда давлат сув таъминоти ва канализация тармоқлари, истеъмол объектлари ва курилмаларига уланган сув таъминоти ва канализация тармоқларининг ҳолатини ва ишини тизимли назорат қилишни амалга ошириш ва уларни тўғри ишлашни ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш; Бюро билан биргаликда “Истеъмолчи”лар сувдан оқилona фойдаланиш ва сувдан оқилona фойдаланишни аниқлаш, сувни етказиб бериш ва истеъмол қилишни қатъий назорат қилиш ва ҳисобга олиш, санаята мувофиқлигини мунтазам равишда назорат қилиш ва уларга тенглаштирилган сув истеъмол қилиш чекловларига риоя қилишни назорат қилиш;

г) “Истеъмолчи”ларга индивидуал ҳисоблаш курилмаларини ўрнатиш, ўрнатилган тартиб ва муддатларда уларнинг ишини Бюро билан биргаликда текшириш;

д) Бюро иштирокида “Истеъмолчи”лар сув қувур хўжалигининг текширишни (индивидуал ҳисоблаш курилмасининг яхши ишлаётганлигини текширган, улардаги назорат кўрсаткичларини олган ва тамгаларнинг

мавжудлиги ва бутлигини аниқлаган ҳолда) бир ойда кўпи билан бир марта ўтказиш ва тегишли далолатномаларни тузиш;

е) “Истеъмолчи”га ушбу шартноманинг шартларини бажармаган ҳолларда, жарима пеня тўловларини амалга ошириш;

ё) сув таъминоти ва истеъмолига оид меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа хужжатларнинг қабул қилинганлиги ҳақида “Истеъмолчи”ларни хабардор қилиш;

ж) сув етказиш ва сув чиқариш учун хизмат ҳақи тўловларининг тарифлари ошганда, улар кучга кирган кундан бошлаб, 15 кун ичида оммавий ахборот воситалари орқали маълумот бериш;

з) ичимлик сув таъминоти ва оқова суви чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани “Истеъмолчи”га бепул бериш;

#### **IV. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

4.1. “Таъминотчи” ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиккан зарарни, “Истеъмолчи” эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

4.2. “Истеъмолчи” қуйидагилар учун жавобгардир:

а) сув ҳисоблаш курилмасидаги тамгалар, айланмиш чизиги жўмраги, гидрантлар ва бошқа сув узатиш мосламаларидаги қисмларнинг унинг худудида ва тасарруфида бўлган ёки Бюро ходими олдида тамгаланган ҳисоблаш курилмаларининг бутунлиги ва сақланиши учун;

б) сув тармоқларига ўз бошимча уланиб олиш, совук суви ҳисобга олиш курилмаларининг қасдан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув ҳисоблаш курилмаларидаги кўрсаткичларни ташқаридан аралашган ҳолда ўзгартириш ҳолатлари учун;

в) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда;

г) ўзбошимчалик билан курилган иншоотлар сабабидан, тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

д) коммунал дренаж тизими мавжуд бўлса, “Истеъмолчи” худудида жойлашган оқова тармоғига ёмғир ва эриган қор сувларининг тушишига йўл қўймаслик. Ушбу қоидабузарлик аниқланганда “Таъминотчи” ва Бюро ходими ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома “Истеъмолчи”нинг масъулият ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

4.3. “Таъминотчи” қуйидаги ҳолларда жавобгардир:

а) амалдаги меъёрий-ҳуқуқий хужжатларнинг талабларига мувофиқ, узатилаётган сувининг сифати ва қонунчиликда ва шартнома шартларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда;

б) “Истеъмолчи”ларга сув таъминотига уланиш ва сув чиқариш хизматларида фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;

в) “Истеъмолчи”нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда, қоплаш;